

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 30-noyabr • Payshanba • 142 (27.633) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

МАҲСУЛОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

Кашқадарё. «Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси тайёрлаётган маҳсулотларнинг тўқсон беш фоизи жорий йилда чет мамлакатлар, (асосан Россия давлатига) экспорт қилинмоқда.

Корхона Германия ва Чехиянинг энг замонавий йиғирув дастохлари билан жиҳозланган. Йилига 3 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда икки юз нафар ишчи-хизматчи муқим иш ўринлари билан таъминланган. Шунингдек, жамоа бу йил хорижга 2 млн. 850 минг АКШ доллари миқдорда ип-калава жўнатишни ҳам режалаштирган. Ҳозиргача бу кўрсаткич 2 млн. доллардан ошди. Утган ўн ойнинг ўзидаёқ 1370 тонна ип-калава тайёрланди.

Суратда: корхонанинг илғор ишчилари — Гавҳар Окқўзиёва ва Лобар Имомова. **Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА)** олган сурат



ЎЗХДП ҳаёти ХУҚУҚИЙ ВАКОЛАТ БОР

ташаббус кўрсатишнинг қонуний асослари мавжуд. Аммо биз улардан етарлича фойдалана олмаёмиз, дейилди ХДП Тошкент шаҳар фаоллари ва депутатлар учрашувида

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ва Ўзбекистон ХДП пойтахт фаолларининг учрашуви бўлиб ўтди. Анжуман пойтахт ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш механизми ва бунда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Депутатлик ваколатимизнинг икки йили ўтди, — деди шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Гулчехра Охунова. — Аммо, шу давр мобайнида биз кўзга ташланмаган ташаббуслар билан деярли чиқмадик. Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларимиз ҳам суст. Шунинг учун ҳам биз ХДП Марказий Кенгашининг V пленумида танқидга учрадик. Лекин аҳвол шундай давом этishi мумкин эмас. Ўз қонуний ваколатларимиздан самарали фойдаланиб, ташаббус кўрсатишимиз, тегишли қарорларнинг қабул қилинишига эришишимиз керак.

— Партия кенгашларимиз қошида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда, — деди ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов. — Уларга фуқароларимиздан кўплаб масалаларда мурожаатлар тушапти. Депутатларимизга ҳам турли мурожаатлар бўлмоқда. Агар уларни умумлаштириб, таҳлил қилиб, энг муҳимларини чуқур ўрганиб, сўнг масалаларни шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги Экспертлар гуруҳи ҳам бу борада бизга амалий ёрдам беришга тайёр.

Шунингдек, учрашувда бошқа иштирокчилар ҳам ўз фикрларини, қарашларини баён этдилар. Билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, депутатлар ва партия етакчиларидан иборат, турли масалаларни ўрганадиган алоҳида-алоҳида гуруҳлар тузишга келишиб олинди. Улар тегишли муаммоларни чуқур ўрганади, таҳлил қилади ва депутатлик гуруҳи муҳокамасига киритади. Шу тарихқа шаҳар Кенгашининг бўладиган сессиялари кун тартибига долзарб масалалар тақлиф этилади.

Бехзод ШУКУРОВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

30 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз иштини бошлади.

Ялпи мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муқим аҳамиятга молик бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилади.

Ялпи мажлис арафасида, 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиси Сенатининг Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдиновнинг парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлисига тайёрларик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги ахборотини тинглади.

Қўмиталарнинг раислари саккизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган 2007 йилги Давлат бюджети, қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис иштини ташкил этиш ҳақида фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

◆◆◆

Шу кuni Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари бўлиб, уларда сенаторлар саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Умуман икки кун мобайнида Сенатнинг барча қўмиталари Қўнунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатта юборилган 16 та қўнунни, шунингдек, парламент юқори палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Уларнинг ҳаммаси саккизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда сенаторларнинг 2006 йилнинг ўтган даврдаги иш якунлари ҳам кўриб чиқилди ва қўмиталар фаолиятини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

БАХТИМИЗ ҚОМУСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтида «Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллигига бағишланди.

Талабалар юртимизда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, Конституция ва диний бағрикенглик, ёшлар ўртасида қонуنبузарликнинг олдини олиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, кўппартиявийлик ва унинг конституциявий асослари ҳақида маърузалар тингладилар. Уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ривожланиш жараёни билан боғлиқ саволлар қизқитди. Саволларга Тошкент давлат юридик институти доценти Махмуджон Нажимов жавоб қайтарди. Ёшлар, шунингдек, парламент кўйи палатаси депутатлари фаолиятига қизиқиш билдирдилар. Бу борада тегишли тадбирларни ташкил этиш бўйича келишиб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийлари

Жаноби Олийлари, Сизнинг юксак этиборингиз туфайли Ўзбекистон Республикасига Корея Республикасининг Бош вазири сифатидаги илк ташрифим муваффақиятли ўтди.

Ўртингизга ташрифим давомида Марказий Осиёнинг етакчи давлати — Ўзбекистон Сизнинг доно раҳбарлигингизда иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг янги марраларини эгаллаш йўлидан дадил бораётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Республикасига сафарим чоғида Сиз ва мамлакатингиз ҳукумати давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганингизга яна бир бор амин бўлдим. Мен яна шунга ишонч ҳосил қил-

димки, Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йилнинг март ойида мамлакатимизга ташрифингиз асносида йўлга қўйилган Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бундан буюн ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Сизга Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг самимий саломини етказиш менга мамнуният бахш этади. Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат, Ўзбекистон янада гуллаб-яшнаши ва тараққиёт этишини тилаб билдирган истақларимни қабул этгайсиз.

Хан Мён СҮК,
Корея Республикаси Бош вазири

8 декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
куни



«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 13-модда.

КОНСТИТУЦИЯ — ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗ РАМЗИ

Ўн тўрт йилдики, Конституциямиз биз орзу қилган улғу мақсад — мустақил, адолатли, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дорилфунун вазифасини шараф билан ўтаб келмоқда.

Конституциянинг ўн тўрт йиллик фаолияти натижасидан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, Бош Қомусимиз ўзини барқарорлиги билан қай даржада пухта ва ҳаётий эканлигини исботлади. Бу даврда Ўзбекистонда, аввало, конституциявий давлат шаклланди. Истиқлол йилларидаги бутун туб демократик ўзгаришлар Конституция негизиде кечди ва кечмоқда.

Асосий қонунимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилати каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, ривожланган демократик давлатлар мутахассисларининг синчков назаридан ўтган ва жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳеч қим, ҳаттоки бизни ҳеч қанча кўрмайдиган арбоблар ҳам Конституциямизнинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилади: ҳўш, бунинг сабаби нимада? Аввало, шунинг таъкидлаш лозимки, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Умуминсон-

ий, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Яна бир муҳим жиҳат — бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққиёт топан давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсибир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий тажрибаларни ўрганиб, ва эътиборга олдиқ. Натижада эндиликда Бош қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққиёт топан давлат Конституцияси билан мамалол куч синашмоқда.

Шунингдек, Конституциянинг фоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдиэларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улғу аҳдоқларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Ал-Бухорий, Термизий, Форобий, Мотуридий, Марғиноний, Ясавий каби улғу боболаримиз даврида, буюк Амир Темур замониде шаклланди миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни ўзида акс эттирди. Шу кўна замин одалари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилиқ каби миллий менталитетимизга хос улғу хислатлар

бу юридик ҳужжатда муносиб даражада ўз аксини топган.

Инсон — муқаррам ва муборақ зот. Бош қомусимизда ҳам миллий, ҳам умумбашарий мезонларга тўла мос келувчи ана шу фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик. Бир неча ўн йиллар давом этган тоталитар ҳуқуқсизликдан сўнг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги тамойили асосий йўналиш деб танланди.

Ўзбекистон Конституцияси жамиятнинг мутелеикдан ўзлик-кесил қўтилиши, инсоннинг озод бўлиб, фаол фуқаролик мавқеини эгаллаши сари қўйилган муқим амалий қадам бўлди. Бунинг натижасида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши кескин ўзгарди, ижтимоий ва сиёсий фаолияти ўсди.

Конституциямизнинг бир банди Аллоҳ таоло ато этган энг улғу неъмат — инсоннинг яшаш ҳуқуқига ҳақида. Биз истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳаётининг дахлсизлиги бош қафолати бўлган тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлиқни, миллатлараро ва динлараро тотувлиқни мунтазам равишда таъминлашга жиддий эътибор бермоқдамиз.

2-бет

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

«Янги тахрирдаги Дастурда «Қамолот» ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширадиган олти асосий соҳа белгилаб олинди. Улар — демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломамлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир».

2-бет

ПОКЛИК — БЕДАВО ДАРДАН АСРАЙДИ...

« — Мутахассислар тақчил. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида шу соҳада ишлаш истagini билдирганларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил этилди. Ўқув машғулотлари аввал институтида, ОИТС муаммолари қисми эса Республика ОИТС марказида олиб борилади, ўқув курсини тугатганларга гувоҳнома берилади».

3-бет

ШАВКАТЛИ ТЕМУРБЕК

«Темурбек ганимларини битта-битта синдиришни кўзлаган эди. Аликроми, у бу ишга бутун умрини сарфлади. Эгардан тушишга вақт ҳам, имкон ҳам тополмади, чунки исталган пайтда, исталган вақтда сотқинлик юз бериши, зарбага учраши эҳтимолдан холи эмасди».

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар аниқлашган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, fax: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар аниқлашган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Fax: 133-20-74
WWW.tshbmv.uz E-mail: info@tshbmv.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар аниқлашган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятигиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар аниқлашган

КОНСТИТУЦИЯ — ИСТИҚДОЛИМИЗ ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 2005 йил 1 ва 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасидаги ҳокимият шакли ва фаолияти ҳақида» қарори билан мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, яшаш ҳуқуқи, асосий ҳаётини таъбиб ва ҳусусий ҳаётга аралаштириш таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлган бунинг яқол тасдиғидир. Бу тарихий фармонлар жаҳон ҳаммамийати томонидан юқори баҳолашда ва Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар эътироф этилмоқда.

Конституцияимизнинг энг муҳим муҳияти шундан иборатки, унда: «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул» дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устуңлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қаролатилган.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини борасида жаҳон конституциявий тажрибасининг энг илғор жиҳатларини камраб олган. Шу билан бирга, БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципал қоидаларини ўзига сингдирган.

Иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Фуқаролик жамиятининг энг қўйи бўлини — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, ўзини ўзи бошқариш ҳоли ва мос миллий демократик институт маҳаллалардир. Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг муҳимларидан бири марказий ва юқори давлат бошқаруви идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга босқичма-босқич ўткази боришни кўзда тутди.

Бош қомусимизда жамиятда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратилган. Шу асосда Олий Мажлисга сайлов кўппартиявийлик негизда ўтказиш алақачон сиёсий аҳнага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган ва янада матбуотда эълон қилинган «Давлат бошқаруви ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конститутсиявий қонун лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётини қонунчилик билан боғлашдаги ролини кучайтириш, Ўзбекистоннинг давлат-сиёсий тизимини янада тақомиллаштириш йўлида навбатдаги улкан ва муҳим оқимдир.

Мазкур қонунлар лойиҳалари мамлакатимиздаги тадрижий демократик ислохотларнинг узвий давомидир. Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётини тугатган ўрнини кучайтиришда ҳамда давлат қурилишида муҳим ўзгаришлар учун асос яратилган сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини янада кучайтириди.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўйди.

Конституциянинг ана шу талабини ҳаётимизга кенг татбиқ этиш, ҳусусан, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларини, аҳна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртва муҳаббат, истиқлолга садоқат туғилуларини чуқур сингдириш борасида ўтган йиллар давомидида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, халқро майдонда мафкурарини кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали давр маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этишни, ёшларимизни турли мафкураларий ҳужулардан ҳимоя қилишни, кордошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантиришни, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишни, мамлакатимиз мустақиллигини, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга қарши изчил кураш олиб

боришни тақозо этаётди. Шу маънода, Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарорда белгилаб берилган муҳим вазифаларни амалга ошириш борасидаги кенг қамровли ишлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Конституция — узок йилларга мўлжалланган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳон цивилизациясининг буюк ютуғидир. Ҳеч бир демократик давлатни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир турли мамлакатларнинг конституциявий ривожланиши турлича бораётганини кўришимиз мумкин.

Ақсарият фарб мамлакатларига конституциявий ривожланишнинг инкилобий ислохот йўли хос бўлиб, бунда Конституция инкилоб натижасида, жиддий сиёсий ва ижтимоий бурхонлар вақтида қабул қилинади.

Бу борадаги ислохотларнинг иккинчи йўли тадрижий ҳусусиятга эга бўлиб, бир конституциявий тизимнинг иккинчисига ўтиш аста-секин, босқичма-босқич, халқнинг азалий аҳналарини ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бошқача айтганда, улар қундалик ҳаётда Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мувожаз қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди.

Минг афсуски, бу сир эмас, кўпчилигимиз Конституциянинг маънавий асосларини яхши билмаймиз, уни синиқлаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституцияимизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чаксақ, булун олдимизда турган кўпгина саволларга муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Аёнки, умумий ҳуқуқ ва ўзининг шахсий ҳуқуқларини билмайдиган фуқаро бюрократлар олдида ва қундалик ҳаётда юзага келадиган турли вазиятларда кўпинча ожиз бўлиб қолади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга янада жиддий эътибор беришимиз лозим. Чунки ҳатто энг яхши қонун ҳам ўз-ўзича — қонунчиликнинг дастлабки шарт-шароити, ҳолос.

Конституциянинг нормаларини нима ҳаракатга келтиради? Албатта, қонунга итоткорлик. У, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади.

Ўртимизда демократик, конституциявий, ҳуқуқий тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий онгда Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурматни қарор топтириш — булар янгилаётган Ўзбекистондаги мустақил конституциявий тараққиётнинг таркибий қисмларидир.

Айнан Конституцияга садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаради. Бу эса жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганганини, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришни тақозо этади.

Шу маънода, Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Президентимиз Фармоиши ўзининг мақбул натижаларини бераётди. Эндилкида Конституцияимиз болалар бочаларини бошлаб, мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юрталарида ўқитилмоқда.

Мазкур Фармоиш талабларини бажариш йўлида булунги қунгача 40 дан ортққ дарслик, рисола ва мақсус қўлланмалар тайёрланиб, ҳар икки йилда, бир неча тилда нашр этилгани айни мудоаодир.

Конституция барқарор бўлиши керак, аммо у мутлақ ўзгармас, қотиб қолган догма ҳам эмас. У ҳаётга мос ва хос равишда, мамлакат тараққиётининг бурилиш паллалари ва халқ истак-хоҳишлари тақозосига кўра муайян тартибда ўзгаришиб турилади. Бош қомуснинг ҳаётчилиги ҳам аслида шунда.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш масаласини олиб кўрайлик, ўз-ўзидан аёнки, агар ана шу натижалар, биринчи галда, Конституцияимиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қоларди.

Шунинг учун 2002 йил 4 апрелда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонун қабул қилинди.

Бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодала — муҳраб берди ва Бош қомусимизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлди. Бундан ташқари яна иккинчи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Конституциявий қонун, дегани Конституция билан тенгма-тенг ҳуқуқий қунга эга бўлган ва маълум давр мобайнида муайян даражада унинг вазифасини ўтайдиган ва кейинчалик тегишли қоидалари Асосий қонун таркибидан ўрин оладиган муҳим ҳужжатдир.

Биз 1991 йили — мустақиллигимизни эълон қилган қун қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар мисолида бундай қонунларни амалда қўллаш механизми ва тажрибасидан яхши хабардоримиз.

Конституциявий қонун — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизиминида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритган икки қонун лойиҳасидан бири — «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун лойиҳаси экани фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

Шуниси эътиборлики, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамияти буйича шу конституциявий қонуннинг мантқиқий давомидир. Чунки унда, биринчи навбатда, айнан Конституцияга тузатишлар киритишни кўзда тутадиган моддалар ўз аксини топган.

Асосий қонунга ўзгаришлар киритиш чоғида ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларини тўлиқ ва ҳолисона бажаришига ҳалал бермайдиган ва аксинча уларнинг бундай фаолиятини янада яхшилашга, тақомиллаштиришга қўмақлашадиган қоидаларини янада Конституцияимизга киритишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Конституция — бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи. Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-иштихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллиати, тили, диндан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоядир.

Ахмад САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор



ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

ТОШКЕНТДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ ҚУРУЛТЎЙИ БўЛИБ ўТДИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Қурултойда «Камолот»нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси А.Алимов ҳаракатнинг ўтган беш йил давомидидаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Президент Имом Қаримовнинг фарзандларини биздан кўра билимли, қучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида Ўзбекистонда ёш авлоднинг тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақиллиқнинг дастлабки қўлларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жаҳалларида ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишидан бирига айланди. Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлоднинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий, руҳий ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Қурултойда ўтган 5 йил мобайнида ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, қурултойда сўзга чиққанлар сўнги пайтда «Камолот» фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги ва улар ҳаракатнинг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётганини таъкидладилар. Бу, Президент Имом Қаримовнинг жорий йил 10 октябрдаги қарорини давид этилгандек, биринчи галда, ёшларнинг оруз ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишда қўмақлашнинг масаласига тааллуқлидир. Айрим ҳолларда ҳаракат фаолиятида расмиётчилик, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий кузатиладиган ўзоқлашиш ҳолатлари кузатишмоқда, ёш етакчиларнинг қобилият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ёшлар, айниқса, олис туманларда яшаётган ёшларнинг «Камолот» олди-қўйилган амалий вазифалардан четда қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, ёшлар, айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ва-

танпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Буларнинг барчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳаққий ҳимоясига бўлиши, оруз-умидларини рўёбга чиқаруви, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқаш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади.

Ушбу асосий йўналишлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги таҳрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамов ушбу ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Янги таҳрирдаги Дастурда «Камолот» ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширадиган олпита асосий соҳа белгилаб олинди. Улар — демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жамоатий тарбияни ривожлантириш, ёш авлод салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

«Камолот»нинг янги низомиди ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий тузилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Эндилкида унга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳар бир йигит-қиз аъзо бўлиши мумкин.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳриридаги Низом ва Дастури қабул қилинди.

Қурултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши таркиби сайланди. А.Алимов Марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Р.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот қотиби А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири
Суратда: Қурултой иштирокчиларидан бир гуруҳи.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат

• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили



Бухоро шаҳридаги «Дента Блеск» — ҳусусий стоматологик маркази 2000 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда ушбу жамоада етти нафар шифокор фаолият кўрсатмоқда.

— «Дентал Блеск» ярқироқ тиш маъносини аңглатувчи стоматологик кичик муассасани ташкил этишдан мақсад, Бухоро шаҳри ва вилоят аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатишдан иборат, — дейди марказ раҳбари, олий тоифали шифокор Салим Аевзов.

Аслида, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан тишларнинг соғломлигига боғлиқ. Шу боис

марказда даволаш хизмат турига аҳамият берилаяпти.

Дарҳақиқат, мазкур тиббиёт марказининг миқозлари сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

♦♦♦

Суратда: олий тоифали шифокор, марказ раҳбари Салим Аевзов (ўртада), стоматолог-шифокорлар Манзура Турсунова, Элмурод Халилов, Соҳибжон Аевзов ва Фаррух Рауповлар.

Рўздат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда аввало депутатлар қўйи палата Кенгаши томонидан таклиф этилган қун тартибини тасдиқладилар.

Дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари соҳиблари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳоама чоғида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари байрами кунини белгилаш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватладилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилди.

Навбатдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ қо-

дексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан тақдим этилди. Мазкур ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида солиқ тизимини янада тақомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш зарурлиги ўқтирилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонун лойиҳаси ҳужжали юртувчи субъектларга ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ юқини янада қайтайтиришга, солиқ солиш тартибини бирхиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Депутатлар киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда муҳоамадаги ушбу Қонун ҳам қабул қилинди.

Қун тартибидидаги сўнги масала Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Сунатилло Бекенов ахборот берди.

Ушбу маълумат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дўриб чиқиш чоғида ҳисобот кўриб-да мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом этирилганлиги, бюджет-солиқ сиёсати ҳўжалик юртувчи субъектларга солиқ юқини қайтайтириш ҳолда бюджетнинг даромадлар ва ҳаражатлар қисмлари мувозаанатини таъминлашга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли хал этишга ёрдам берганлиги айтиб ўтилди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Маъмуружон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЙРЛИ ИШЛАР

Тузамўйин гидроэлектростанцияси маъмурияти жамоада касаначилик меҳнатини йўлга қўйиш мақсадида ўн беш нафар ёш йигит-қизларни ишга қабул қилди. Улар мавжуд техника воситаларининг электр моторларини таъмирлаш ва бичиш-тиқиш ишлари ҳамда аҳолига зарур бошқа соҳаларда иш олиб боришади.

Вилоятнинг чекка манзилларидан бири — Питнак шаҳарчасида амалдаги йилнинг ўзида юз нафардан ортққ киши касаначиликнинг турли соҳаларига йўналтирилди.

Вобкент туманида газ таъминоти муаммоси тўла ҳал бўлди. «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси бюртмаси билан Когон — Тошкент газ қувурининг Қуйимозор участкасидан туманга диаметри аввалгидан уч ярим баравар катта — 16 километр узунликда трасса тортилди. Бор-йўғи икки ой муддатда 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланган ишоотлар қурилишини «Бухорогаз-саноатқурилиш» акциядорлик жамиятининг мақсус монтаж уни-тар корхонаси ва «Муборакнефтьгазмонтаж» жамоалари бажаришди.

Денов туманида истиқомат қилувчи Пулат Абдурахмонов узок йиллар мактабда она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб, бугун кексаликдан ҳам савобли ишларга қўл урмоқда. У маҳалла ёнидан оқиб тувчи дарё устига янги кўприк қуришни ният қилиб, фарзандлари билан керакли цемент, тош, шағал, бетон плиталарни ўз ҳисобидан олди.

Ота шу кунларда яна 0,5 километр масофали йўлга тош ётқи-зиш ташвиши билан машғул.

Урганч шаҳридаги суратлар галереясида қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг янги асарлари кўргазмаси очилди. Маълум академиясининг минг йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада танили қорақалпоқ россомларининг юрт тарихи, буюк бо-бокалонлар сиймоси, табиат манзаралари ва шу куннинг қаҳрамонлари тасвирланган асарлари намойиш этилди.

Кўргазма ҳоразмлик муҳлиснамда катта таъсирот қолдириб, улар қўшни қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, ўтмиши ҳақида бой маълумотларга эга бўлди.

● Банк ва мижоз

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу — сифатли махсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, улгуржи ва чакана савдо майдонини янаям кенгайтириб юборди. Айниқса, кишлоқ ҳўжалиги тизимида фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам самарали натижалар бермоқда.

Ана шу ижобий жараёнларда иқтисодий мажмуа — банк тизимининг алоҳида ўрни бор. Жойларда 10 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатаётган АТ «Пахтабанк» Самарқанд вилоят бошқармаси ўтган 9 ойлик ақналарига кўра барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришди. Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжалиқларида қорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бошқарма бўйича 832 млн. сўм миқдоридан имтиёзли, мақсадли микрокредитлар ажратилди. Бунинг 731 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди.

— Ҳукумат томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан жудаюм қувончман, — дейди бошқарманинг Жума файлидан қорамол олиш учун кредит билан таъминланган фуқаро В.Тошмуродов. — Бир неча йилдан бунён молимиз йўқ эди. Энди насиб бўлса, турмуш шароитимиз яхшиланиб кетади. Имтиёзли фоизларда берилётган кредит бизга ўшанганларга катта мадад ва ғамхўрлик бўлди...

сридинов. — Натихада, уларда ой сайин 1 млрд. сўм миқдоридан нақд пул тушуми таъминланишига эришилди. Аҳолини кенг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 882 млн. сўмлик истеъмоли кредитлари берилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 605 млн. сўмга кўп. Жойлардаги бўлимларида 148 та пластик картончалар билан савдо қилувчи терминаллар ўрнатилган.

Банк тизимида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга қўйиш ва уни вақтида (керак бўлган вақтда) мижоз талабига кўра қайтариш тартиблари ҳам омонатчилар сонини ошириб боришига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжалиқларида қорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бошқарма бўйича 832 млн. сўм миқдоридан имтиёзли, мақсадли микрокредитлар ажратилди. Бунинг 731 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди.

— Ҳукумат томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан жудаюм қувончман, — дейди бошқарманинг Жума файлидан қорамол олиш учун кредит билан таъминланган фуқаро В.Тошмуродов. — Бир неча йилдан бунён молимиз йўқ эди. Энди насиб бўлса, турмуш шароитимиз яхшиланиб кетади. Имтиёзли фоизларда берилётган кредит бизга ўшанганларга катта мадад ва ғамхўрлик бўлди...

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Индонезия дунёдаги икки йирик уммон — Тинч ва Ҳинд океанлари кесиб ўтган жойда, жаҳонда энг катта ҳисобланадиган Малай архипелагида жойлашган миңлаб оролардан иборат мамлакатдир.

ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ

Индонезия роппа-роса 17508 та оролдан ташкил топган. Унинг номланиши «Indos» ва «Nesos» сўзларининг бириктиришдан келиб чиққан бўлиб, улар «Ҳиндистон яқинидаги оролар» маъносини англатади.

Индонезия жаҳоннинг энг «вулкони» мамлакатлардан биридир. Унинг ҳудудидан 400 дан ортиқ вулконнинг 100 таси фаол вулкон ҳисобланади. Мамлакатда жами 350 милла ва элат вакиллари яшайди. Аҳолининг 88 фоизи ислом, 8 фоизи насронийлик, 2 фоизи ҳиндуизм ва 1 фоизи буддавийлик динига эътиқод қилади. Мамлакат ҳудуди 2,7 вилоятга бўлинган бўлиб, 1,9 миллион квадрат километрни ташкил этади. Индонезия 242 миллион кишидан иборат аҳолиси билан дунёда туртинчи ўринни эгаллайди.

Утган йили индонезиялик

лакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган эди. 1995 йил апрель ойда эса Индонезия Республикаси Президентини Суҳартонинг Ўзбекистонга давлат ташири амалга оширилди.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам аънавий тус олган. 2005 йилнинг декабрида Тошкентда Ўзбекистон ТИВ ва Индонезия ТИВ ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар бўйича кўмита тасвिस этиш юзасидан бир-бирини ўзаро тушуниш тўғрисида Меморандум имзоланди. Кўмитанинг биринчи мажлиси ўтказилди.

2006 йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 196 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Бунда Ўзбекистон экспорти 143,7 миллион долларни, импорт эса 52,4 миллион долларни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Индонезия капитални иштирокидаги иккита корхона фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш мақсадида 2002 йил сентябрь ойда «Ўзбекистон — Индонезия» Дўстлик жамияти тасвिस этилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги алоқалар даражаси юқорилигидан, дўст Индонезия халқи билан хар томонлама муносабатларимиз порлок истиқболга эга эканидан далolat беради.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА
шарҳловчиси

Барот БОЙҚОБИЛОВ



бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади, турли масъул лавозимларда хизмат қилди. 1990 йилдан то умрининг охиригача «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Барот Бойқобилов сермахсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг «Самарқанд сатрлари» номи билан шайри тўплами 1962 йилда адабиёт ва маданияти ривожини кўрсатди. Шундан кейинги кирак йилдан кўпроқ қизғин ва серкирра ижодий фаолияти мобайнида «Висол», «Сени излайман», «Самарқанд ушшоғи», «Сотнетлар», «Шарқ камаллаги», «Мени кутинг, юлдузлар», «Ватан тупроғи» каби қирқдан зиёд шайрий тўпламлари чоп этилди. Айниқса, шайрининг «Кун ва тун» шайрий кассиси, «Афросиёб ёхуд Самарқанд шажараси», «Регистон» достонлари, «Навоийнома», «Навоий Ватани» сингари бир қанча асарлари ўзбек адабиётида тарихий мавзунинг бадий ёритишига ўзига хос хисса бўлиб қўшилди.

Барот Бойқобиловнинг мустақиллик йилларида фаолият билан ижод қилди. Бу даврда у нафақат шoir ва адиб, балки хозиржавоб публицист сифатида ҳам республика газети ва журналлари саҳифаларида ўзининг маънавий-маърифий мавзудаги кўплаб мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келди. Барот Бойқобиловнинг ўзбек адабиёти ва маданияти ривожини йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1994 йилда Навоий номидаги республика Давлат мукофотига, 1997 йилда «Ўзбекистон халқ шoirи» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Таниқли шoir, тажрибали муҳаррир, хозиржавоб публицист Барот Бойқобиловнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Тайланд маъмурияти мамлакатнинг бир қатор туманларида ҳарбий ҳолатни бекор қилди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Сураюд Чуланон журналистларга ахборот берди.

Жамоатчилик эркинлигини маълум маънода чекловчи ҳарбий ҳолат шу йил сентябрда амалга оширилган давлат тўнтаришидан сўнг эълон қилинган эди. Ушунда ҳарбийлар хорикда юрган бош ваизр Таксин Чинаватни тахдан ағдаришган.

● Тафсилот



НАТО САММИТИ

Сешанба, чоршанба кунлари Ригада НАТОнинг 57-саммити бўлиб ўтди. Унда НАТОга аъзо 26 та мамлакатдан вакиллар қатнашди. Шунингдек, лозиники, собиқ совет иттифоқи парчангандан бери НАТО саммитлари бирор марта ҳам янги аъзолар қабул қилиш масаласи киритилмади. Гапнинг очиги, Франция, Германия ва Испания босими остида ташкилотни янги аъзолар ҳисобига кенгайтириш жараёни тўхтатилди.

Авалроқ, Оқ уй маъмурияти НАТОни Шарқий Европадаги Хорватия, Албания ва Македония, шунингдек, Грузия сингари Америка тарафдорлари ҳисобига кенгайтиришни режалаштирган эди. Ҳатто Америка сенати Украина ҳам аъзо бўлишни хоҳласа НАТО эшикларини унинг учун очиклигини маълум қилган эди. Бирок «Эски Европа» вакиллари бўлиши Франция, Германия ва Испаниянинг қаршичилиги босиб ташкилотни кенгайтириш масаласи 2008 йил боғида бўладиган саммитга қолдирилди. Расмий Вашингтоннинг ташкилотни янги аъзолар ҳисобига кенгайтириш режасига айниқса, Франция дадил қаршилик кўрсатди. Франция маъмуриятининг фикрича, ташкилотни Европа ва Европада жойлашмаган давлатлар аъзо бўлиши ҳисобига АҚШ хоҳлагандек кенгайтириш НАТОни мудофая альянсини Америка сиёсатини юртдаги қўриқчоқ альянс айлантириб қўяди.

Шунинг учун саммит арасида АҚШ бир оз вазиетни юмшатиб, янги вариантни илгари сурди, яъни Австралия, Япония, Жанубий Корея, Швеция ва Финляндия сингари мамлакатлар билан

«Глобал ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйиш таклифини билдириди. Саммитда эса бу таклиф АҚШ президенти Жорж Буш томонидан инқилобий ташаббус сифатида изҳор этилди.

Шунингдек, саммитда НАТОнинг Украина, Грузия билан ҳамкорликни янада жонлантириш масаласи, 2007 йилда 5 йиллиги нишонлангандаги Россия — НАТО кенгаши фаолияти таҳлил этилди. Қўн тартибидан асосий масала эса Афғонистон ва Ироқ мавзуси бўлди.

Маълумки, Афғонистонда НАТО байроғи остида 26 та мамлакатнинг 32 миң кишилик аскар ва зобитлари, бундан ташқари, яна 11 та давлат ҳарбийлари вазиетни барқарорлаштириш йўлида хизмат бурчини бажармоқда.

Шу ўринда бир таъкид. Мамлакат жанубидаги толибонларга қарши АҚШ, Буюк Британия, Канада ва Нидерландия ҳарбийлари билан кураш олиб бораётгани ҳолда, НАТОга аъзо қолган давлатларнинг ҳукуматлари эса ўз ҳарбийларини «олови нуқталарга» жўнатишни истамасан, шунинг учун уларнинг ҳарбийлари тинч ҳудудларда полиция ва бошқа гуманитар вазиетларни бажаришмоқда. Дарвоқе, ноябрь бошида Канадада бўлиб ўтган НАТО конференциясида иштирок этган вакиллардан бири «Хозир вазиет ўта ғалати. НАТОнинг бир ҳарбийси Афғонистонда қон тўқмоқда, бошқа бири эса пиёҳорлик қилиб юрибди» дея таъкидлагани бекиз эмас. Айнан шу

вақдан БМТ Бош қотиби Кофи Аннан «Агар НАТО Афғонистонда муваффақиятли фаолият олиб бормаса, Афғонистон терроризм экспортчисига айланади» деган фикр-ни билдирган эди.

Яна саммит мавзуси бўйича шунинг айтиш мумкинки, унда ҳарбий ҳаракатлар пайтида ракетага қарши мудофая тизими борасида алоҳида ҳужжат маълумланди. Шунингдек, Эроннинг ядро дастури ва Шимолий Кореянинг ядро қуроли синови, Япон Шарқ муаммоси, Косово келажиги ҳақда Россия — Грузия мунозаралари анжуман қўн тартибидан ўрин олди.

Яна бир қизиқ факт. Латвия, Эстония ва Чехиянинг 9 миң нафар ҳарбийси, АҚШ ҳарбий денгиз флотининг 2 та эсминеци, Франция разведкаси, Испания ҳарбий ҳаво қулақларининг кирувчи самолётлари, Латвиянинг ҳарбий самолёти ва вертолётлари саммит ҳафсизлигини таъминлашга жалб этилди. Рига шаҳри полицияси фавуқдада қўн тартибидан тартибда хизмат олиб борди. Анжуман атрофида автомобиллар ва пиёдалар юриши таъқланди.

Европада одат тусига кирганки, шундай халқаро анжуманлар пайтида мулоҳиқ қўнлар ўз таълаблари билан намоийларга ўтказилди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Негаки, Латвия маъмурияти ва Ички ишлар вазириги бундай ҳол юз бермаслиғи учун аввалдан оғоҳлантириш эълон қилди, яъни хар қандай норозилик ноқонуний деб ҳисобланади ва унинг ташкилчилари қаттиқ жазоланади.

Анжуман ишини ёритиш учун дунё оммавий ахборот воситаларининг 1700 дан ортиқ журналисти таклиф этилди.

Хорижий манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

● 1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кун

ПОКЛИК — БЕДАВО ДАРДДАН АСРАЙДИ...

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ер юзида ҳар йили беш миллионга яқин киши ўзига ОИТСни юқтириб қолди. Беморларнинг уч миллион нафарга яқини эса ҳаётдан кўз юмаётир. Ҳўш, миллионлаб кишилар ҳаётга зомин бўлаётган ОИТСнинг олдини олиш мумкинми? Инсон бу касалликдан ўзини асрай оладими?

Соғлиқни сақлаш вазиригига қарашли Республика ОИТС (СПИД) маркази эпидемиология бўлими мудири, олтий тоифали шифокор Носир ЖўРАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Бугунги кунда ушбу касаллик қарши кураш халқаро миқёсда кенг эътиборни биламиз. Ҳўш, унинг натижалари қандай бўлган?

— Мазкур касаллик бугун ер юзида глобал муаммолардан бирига айланди. 2001 йилнинг июнида давлат бошчилиги ва ҳукумат вакиллари БМТ Бош Ассамблеясининг ОИВ/ОИТСга бағишланган махсус сессиясига тўпланиб, касалликка қарши кураш борасида Декларация қабул қилганлар.

— Касалликнинг клиник белгилари ва унинг юқishi йўллари қандай?

да ҳам ОИТС вирусини учрайди. Аммо маълум бир ферментлар вирусларни кучсизлантириб, ўлдирishi натижасида кўз ёш ва сўлақлар орқали касаллик соғлом одамга юқмайди.

Бугун ер юзи аҳолиси ўртасида касалликнинг 70-80 фоизи парентриал — қон орқали, 10-15 фоизи жинсий алоқа ва бошқа йўллари билан юқади. Республикада касалланганларнинг 59 фоизи гиёҳванд моддаларни қабул қилувчилар бўлса, 14-15 фоизи тартибсиз жинсий алоқа қилувчилардир.

— ОИТС марказларининг моддий техника базаси қай аҳволда? Умуман, касаллик вирусини тарқатишининг олдини олиш борасида нималар қилинган?


— 2003 йилда давлатимиз томонидан 2003-2006 йилларга мўлжалланган стратегик дастур тасдиқланди. Ва унга кўра, катта маблағ ажратилди. Натихада охириги уч йилда касаллик ўсишига йўл қўйилмапти. Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига кўра, Ўзбекистонда касалликни текшириш стандарти санитария қоида ва метёрлари ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда 212 та ишонч хоналари очилди. Ишонч хонасига келганларнинг насл-насаби, манзили сир тутилган ҳолда махсус кодлар орқали қайд этиб борилади.

лар учун янги тиббий асбоб-ускуналар олинди. Хар бир марказ «Дамас» автоматизация билан таъминланди. Энг муҳими, мамлакатимизда Марказий Осиё миқдосида биринчилардан бўлиб вирус билан касалланган беморларни даволашда ақота-диган янги замонавий антибиотиклар сотиб олди. Бу антиретравит препаратини бўлиб, у бемор умрини узайтиради, оғриқни каймайтиради.

Шунингдек, юртимизда Вирусология институтидан мана шу касалликни даволаш ишлари йўлга қўйилди. Ҳозир у ерда 30 ўрин мавжуд бўлиб, шифокорларнинг барчаси Украина ва бошқа хорижий давлатлар тиббий масканларида малака ошириб қайтирилди. Даволаш ишлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эътироф этилган махсус протокол асосида олиб борилади. Дарвоқе, хромилдор беморларда ҳам даволаш ишлари бошланган.

— Вирус юққан деб гумон қилинганлар кимга мурожаат этишлари? Ва уларга нимага асосланиб ОИТС ташхиси қўйилади?

— Касал деб гумон қилинганлар бошланғич даврида аввало кайси шифокорга мурожаат этишни билиш учун касалга эпидемиологик нуқта назардан ёндошмоғи керак. Агар у гиёҳванд бўлса касаллик энди пайдо бўлган вақтда лимфа тўғунлари ўсиб кетади. Бундай ҳолатда онкологга учраш лозим. Бордию бемор гаиртабiiий йўталса сил таёқчаси ОИТС вирусини билан тўқнашиб сил касаллиғи вужудга келади. Бунда беморга фтизиатр кўригидан ўтиш тавсия



Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

БИЛА ТУРИБ ЯШИРИШГАН



Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг кўпчилиги ўз мамлакатидан АҚШ Марказий разведка бошқармасининг махфий қамқоқоналари борлигини билган, аммо бунинг жамoатчиликдан сир тулган, дейилади Европарламентнинг махсус комиссияси томонидан тайёрланган маърузада.

Комиссия раҳбари Клаудия Фава текширув натижаларини эълон қиларкан, Европадаги кўпгина давлатларнинг ҳукуматлари у ёки бу даражада МРБ билан ҳамкор бўлганлигини айтди. Терроризмда гумон қилинганлар айнан уларнинг мамлакатиданги махфий қамқоқоналарда сақланган. Бундай қамқоқоналар 12 та давлатда борлиги комиссия рўйхатида қайд этилган. Улар: Вiлга аъзо Австрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Польша, Португалия, Швеция ҳамда Вiлга аъзо бўлмаган Босния, Македония ва Туркия давлатларидир.

Клаудия Фаванинг гапларига қараганда, — дейилади «АFP» ахборот агентлиги хабарига, — охириги йилларда Европа аэропортлари МРБ топшириғи билан учган 1245 та самолётни қабул қилган. Улар Америка махсус хизмати томонидан терроризмда гумонланган, қўлга олинган махбустларни ташишган.

Махсус комиссиянинг 6 ойлик фаолияти давомида 130 нафар гувоҳнинг бу борадаги кўрсатмаси олинган.

Эслатамиз: МРБнинг Европада махфий қамқоқоналари борлиғи ҳақидаги гап-сўзлар 2005 йил ўрта-ларида овоза бўлган эди. Шундан сўнг ноқонуний бундай қамқоқоналар бор-йўқлиғига оид дилчиқ киритиш учун Европарламент махсус комиссия ташкил қилган.

Завтра Ироқда 160 миң кишилик халқаро ҳарбий контингент бор.

Резолюция лойиҳаси АҚШ томонидан тайёрланган.

Бу ҳақда «Новости» агентлиги ахборот тарқатди.

Муддат узайтирилди

